

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2018 йил 25 сентябрь, № 198 (7156) Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ АҚШНИНГ ФАВҚУЛОДДА ВА МУХТОР ЭЛЧИСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 24 сентябрь куни мамлакатимиздаги дипломатик миссиясини якунлаётган Америка Қўшма Штатларининг Фавқулодда ва мухтор элчиси Памела Спратленни қабул қилди.**

Давлатимиз раҳбари меҳмонни самимий қутлар экан, кўп қиррали ва ўзаро манфаатли Ўзбекистон — Америка Қўшма Штатлари алоқаларини изчил ривожлантириш ва мустаҳкамлашга АҚШ элчиси шахсан салмоқли ҳисса қўшганини катта мамнуният билан қайд этди.

Мунтазамлик касб этган олий даражадаги мулоқотлар ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил май ойида Америка Қўшма Штатларига расмий ташрифининг самарали натижалари мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ва стратегик шериклик муносабатларининг янги даври учун мустаҳкам замин яратди.

Томонларни қизиқтирган барча масалалар бўйича конструктив сиёсий мулоқот йўлга қўйилди. Парламентлараро алмашувлар фаоллашди.

Савдо-иқтисодий ҳамкорлик кенгаймоқда. Фан, таълим ва маданият соҳаларида, шунингдек, ҳудудлараро ҳамкорлик ривожланмоқда.

АҚШ элчиси давлатимиз раҳбарига самимий қабул учун чуқур миннатдорлик билдирди. Америка Қўшма Штатлари икки томонлама муносабатларни изчил ривожлантиришга муҳим аҳамият қаратиши ҳамда мамлакатимиз билан кўп қиррали ҳамкорликни янада кенгайтиришга интилиши қатъий эканини қайд этди.

Учрашув якунида мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик шериклик муносабатларини мустаҳкамлашга қўшган катта ҳиссаси учун АҚШнинг Фавқулодда ва мухтор элчиси Памела Спратлен «Дўстлик» ордени билан тақдирланди.

**ЎзА.**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ТУРКИЯ РЕСПУБЛИКАСИ БУЮК МИЛЛАТ МАЖЛИСИ РАИСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 24 сентябрь куни расмий ташриф билан мамлакатимизга келган Туркия Республикаси Буюк миллат мажлиси раиси Бинали Йилдиримни қабул қилди.**

Давлатимиз раҳбари меҳмонни самимий қутлар экан, сиёсий ирода ва биргаликдаги саъй-ҳаракатлар туфайли Ўзбекистон ва Туркия ўртасидаги анъанавий яқин ва дўстона муносабатлар стратегик шериклик даражасига кўтарилганини таъкидлади.

Ўтган йил кузда Туркияга ва жорий йил баҳорда Ўзбекистонга амалга оширилган давлат ташрифлари давомида бўлиб ўтган олий даражадаги самарали музокаралар, улар якунида имзоланган муҳим ҳужжатлар турли соҳалардаги амалий ҳамкорликни кенгайтириш учун мустаҳкам асос яратишга хизмат қилгани алоҳида қайд этилди.

Сиёсий мулоқот фаол ривожланмоқда. Туркиянинг етакчи компаниялари ва банклари билан ҳамкорликда савдо, инновациялар, энергетика, инфратузилма, транспорт, туризм, тўқимачилик, озиқ-овқат саноати ва бошқа тармоқларда инвестиция дастурлари ва лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Жорий йил бошидан буён 230 дан ортиқ Ўзбекистон — Туркия қўшма корхоналари ташкил этилгани Туркия ишбилармонларининг Ўзбекистонда бизнес юритишга қизиқиши ортиб бораётганидан далолат беради. Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми шу даврда 40 фоиздан зиёдга ошди.

Маданий-гуманитар, жумладан, соғлиқни сақлаш, таълим ва туризм соҳаларидаги алмашинувлар кенгаймоқда.

Икки томонлама муносабатларни изчил ривожлантириш ва мустаҳкамлашда парламентлараро алоқалар муҳим ўрин тутади. Мамлакатларимиз қонун чиқарувчи органлари ўртасида фаол мулоқот кузатилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Туркия Республикаси Буюк миллат мажлисида дўстлик гуруҳлари муваффақиятли фаолият юритмоқда. Ҳамкорликни ривожлантириш бўйича меморандум ва «Йўл харитаси» қабул қилинган.

Суҳбатда олий даражадаги учрашувлар якунида эришилган келишувлар ва қабул қилинган битимларни амалга ошириш, шунингдек, ҳамкорликка оид қўшма дастур ва лойиҳаларнинг парламентлар вакиллари томонидан фаол қўллаб-қувватланиши муҳимлиги қайд этилди.

Бинали Йилдирим Президентимиз Шавкат Мирзиёевга самимий қабул учун чуқур миннатдорлик билдирди ва Туркия Президенти Режеп Таййип Эрдўғоннинг саломи ва эзгу тилакларини етказди.

Меҳмон Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларни юксак баҳолаб, Туркия мамлакатимиз иқтисодиёти ва ижтимоий соҳасини модернизация қилишга қаратилган истиқболли лойиҳаларни амалга оширишга ҳар томонлама кўмаклашишга тайёр эканини таъкидлади.

Конструктив мулоқот давомида томонларнинг анъанавий дўстлик муносабатлари ва узоқ муддатли стратегик шерикликни янада мустаҳкамлашга интилиши қатъий экани қайд этилди.

**ЎзА.**

Эътироф

## ГУЛЛАЁТГАН АДИБЛАР ХИЁБОНИ

Ўзбекистонда сўз усталарини қандай қадрлашлари хусусида.

*Ёз фаслининг сўнгги ойида Ўзбекистонда анча йиллардан буён илк бор йирик адабий анжуман — “Ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётини халқаро миқёсда ўрганиш ва тарғиб қилишнинг долзарб масалалари” мавзуида халқаро конференция ўтказилди.*

ЛИТЕРАТУРНАЯ ГАЗЕТА

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Тошкентдаги биносига кирганингизда, ақл бовар қилмайдиган ҳодисага дуч келасиз: бу — бино эмас, шинам кабинетлар, конференция заллари ва бошқа зарур хоналарга эга бўлган янги, муҳташам ҳақиқий сарой. Бу ерда бир қатор адабий нашрларнинг таҳририятлари ҳам жойлашган.

Уюшма биносига туташ Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида Адиблар хиёбони бунёд этилган бўлиб, бу ерда Ҳамид Олимжон, Ғафур Ғулом, Зулфия ва бошқа таниқли ўзбек адибларининг ҳайкалларини кўриш мумкин.

Хиёбон Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг қарорига мувофиқ барпо этилган.

Ўзбекистон Президентининг хорижий мамлакатлардан ташриф буюрган барча ёзувчиларни ҳайратда қолдирган бошқа ажойиб қарорлари ҳам бор.

Ўзбекистонда замонавий ускуналар билан жиҳозланган ижод уйлари, болалар боғчалари, мактаб ва поликлиникалар қурилмоқда, Ёзувчилар уюшмаси аъзолари оилаларига уй-жойлар ажратилмоқда, китобларни нашр қилиш, энг асосийси, уларни тарқатиш ишларига жиддий эътибор қаратилмоқда, қисқача айтганда, ижодий меҳнат учун барча имконият яратилмоқда.

Мен ижод аҳлига қаратилаётган бундай эътиборни МДҲ давлатлари ичида ҳеч қайси мамлакатда кўрмаганман.

Ўйлайманки, нафақат биз, москвалик меҳмонлар, балки бошқа мамлакатлардан келган, жумладан, украиналик вакиллар ҳам Ўзбекистон Президентининг Ёзувчилар уюшмаси фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қабул қилган қарорларини яхши китобдек завқ билан кўз узмасдан ўқишган ва қалбларида ҳавас ва тасанно туйғулари пайдо бўлган.

Бизнинг мураккаб, тижоратнинг бешафқат қутқуси авж олган давримизда ёзувчи ва бадиий сўзнинг даражасини тенглаштириб бўлмайдиган чўққига кўтарган замондошларимизга тасаннолар бўлсин.

➡2

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси тўғрисида

## АХБОРОТ

**2018 йил 22 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди.**

Мажлисни Олий Мажлис Сенати Раиси Н. Йўлдошев олиб борди.

Кенгаш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн олтинчи ялпи мажлисини жорий йилнинг 27 сентябрь куни Тошкент шаҳрида чақириш тўғрисида қарор қабул қилди.

Сенатнинг ялпи мажлиси кун тартибига Ўзбекистон Республикасининг бир қатор қонунлари ҳамда мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг самарадорлигини тубдан оширишга, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурини изчил ижро этишга, халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган масалалар киритилмоқда.

“Давлат божхона хизмати тўғрисида”ги (янги таҳрир), “Хусусий бандлик агентликлари тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати кунини белгилаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари, шунингдек, иқтисодий муносабатлар ва тадбиркорликни ривожлантиришга, юридик ёрдам ва ҳуқуқий хизматлар кўрсатиш тизимини, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишни таъминлаш ва уй-жой коммунал хизматлар кўрсатиш тизимини такомиллаштиришга, жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноий жавобгарликни либераллаштиришга, шунингдек, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликни кучайтиришга қаратилган Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонунлар шулар жумласидандир.

Бундан ташқари, сенаторлар халқаро шартномаларни ратификация қилиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг қатор қонунларини ҳам кўриб чиқадилар, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастурининг ижроси тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосарининг ахборотини эшитадилар.

Ялпи мажлисда Бухоро вилояти ҳокимининг ҳудудларни ривожлантириш ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари фаолияти ҳақидаги ҳисоботи эшитилади.

Сенат аъзолари қишлоқ хўжалигида меҳнатга оид муносабатларни тартибга солиш ҳамда мазкур соҳадаги норасмий бандлик масалалари юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари — молия вазирига парламент сўрови юбориш билан боғлиқ масалаларни муҳокама қиладилар.

Олий Мажлис Сенати қўмиталари ва девонининг ўн олтинчи ялпи мажлисга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир ишларини мувофиқлаштириш учун Сенат Кенгаши томонидан ишчи гуруҳ тузилди.

Мажлисда Сенат Кенгаши ваколатларига кирадиган бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ахборот хизмати.**

### Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ўн олтинчи ялпи мажлисининг очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн олтинчи ялпи мажлиси 2018 йил 27 сентябрь куни эрталаб соат 10.00 да Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилади.

### Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоларининг диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари эртага, 2018 йил 26 сентябрь куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносининг фойесида рўйхатга олинади.

## «ИМКОНИЯТЛАРНИ БИРЛАШТИРИБ, БИЗ ЮКСАК МАҚСАДЛАРГА ЭРИШАМИЗ»



Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Туркия Республикаси Буюк миллат мажлиси раиси Бинали Йилдирим «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари учун эксклюзив интервью берди. Қуйида ана шу суҳбатни эътиборингизга ҳавола этамиз.

Эксклюзив интервью

***— Ҳурматли Раис жаноблари, аввало, Сизни Ўзбекистонда кўриб турганимиздан беҳад мамнун эканлигимизни билдирмоқчимиз. Юртимизга хуш келибсиз.***

— Хуш кўрдик.

***— Ўзбекистонда Президент Шавкат Мирзиёев томонидан мамлакатни ривожлантириш бўйича жуда катта ислоҳотлар олиб бориляпти. Етук сиёсатчи, давлат арбоби сифатида ушбу саъй-ҳаракатларни қандай баҳолайсиз?***

— Дарҳақиқат, Ўзбекистон раҳбари ҳурматли Шавкат Мирзиёев жуда муҳим ислоҳотлар дастурини амалга оширмоқда. Биз буни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаймиз ва юқори баҳолаймиз.

Мамлакатингиз етакчиси Президент сифатида фаолиятини бошлаган дастлабки кунларданоқ, Ўзбекистоннинг дунёга очилишини таъминлаш, иқтисодиётни, аҳоли фаровонлигини юксалтириш йўлида жиддий қарорлар қабул қилди. Ана шундай саъй-ҳаракатларнинг самараси сифатида, жумладан, Ўзбекистон ва Туркия ўртасидаги алоқалар ҳам кучайди ва мустаҳкамланиб бормоқда. Бунда Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 25-26 октябрь кунлари Туркия Республикасига, шу йилнинг 29 апрель — 1 май кунлари Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдўғоннинг Ўзбекистонга амалга оширган тарихий давлат ташрифлари катта туртки бўлди. Улар доирасида кечган учрашув ва музокаралар, эришилган аниқ келишувлар, имзоланган муҳим шартнома ҳамда битимлар ҳамкорликни стратегик шериклик даражасига олиб чиқишга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Давлатларимиз иқтисодиёт, савдо-сотиқ, транспорт-логистика, саноат, энергетика, илм-фан, таълим, туризм ва бошқа соҳаларни биргаликда ривожлантириш бўйича фаол иш олиб бораётир.

> Taşkent 24.09.2018
>
> "Halk Sözü" gazetesi okurlarına:
> Özbekistan-Türkiye dostluğunun ebedi olması dilekleriyle, selam ve sevgilerimi yollayırram.
>
> Binali YILDIRIM
>
> **Тошкент 24.09.2018**
>
> ***“Халқ сўзи” газетаси ўқувчиларига: Ўзбекистон — Туркия дўстлигининг абадий бўлиши тилаги ила, салом ва муҳаббатимни йўллайман.***
>
> **Бинали ЙИЛДИРИМ**

Бизнинг Ўзбекистонга ушбу ташрифимиз ҳам ўзаро муносабатларимизга, шубҳасиз, янги саҳифа бўлиб қўшилади. Ташрифимиз доирасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳамда Сенатида учрашувлар ўтказдик. Шунингдек, Туркия ҳамкорлик ва мувофиқлаштириш агентлиги (TİKA)нинг йирик лойиҳаларидан бири — тез тиббий ёрдамга ихтисослаштирилган замонавий реанимобиллар ҳамда Давлат хизматлари агентлиги учун мўлжалланган мобиль автобусларни тантанали топшириш маросимида иштирок этдик.

Мамлакат раҳбари, ҳукумат аъзолари билан мулоқотлар қилдик.

Сафаримиз давомида Самарқанд ҳамда Бухоро шаҳарларини зиёрат қилишни ҳам режалаштирганмиз.

➡2

Ҳамкорлик

Ўзбекистон — Туркия:

## ПАРЛАМЕНТЛАР АМАЛИЙ ВА ДЎСТОНА АЛОҚАЛАР ТАРАФДОРИ

*Ягона тарих, бир миллат ва забон, ўхшаш урф-одату муштарак маданият. Булар — ўзбек ва турк халқларини азалдан ўзаро боғлаб келган тушунчалардир.*

*Бугун икки мамлакат қонун чиқарувчи органлари ўртасидаги алоқалар ҳам ўзгача мазмун-моҳият касб этяпти. Бу самимият Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳамда Сенатида Туркия Республикаси Буюк миллат мажлиси раиси Бинали Йилдирим бошчилигидаги Туркия парламенти делегацияси аъзолари билан учрашувларда ҳам ўз ифодасини топди.*

Дўстона мулоқотлар давомида бундай учрашувлар Ўзбекистон — Туркия муносабатларининг янги босқичида муҳим ўрин тутиши, айниқса, икки мамлакат парламентлари ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантиришга хизмат қилиши алоҳида таъкидланди.

Мамлакатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 25-26 октябрь кунлари Туркия Республикасига давлат ташрифи чоғидаги олий даражадаги музокаралар натижаси ўлароқ, Олий Мажлис билан Буюк миллат мажлиси ўртасида ҳамкорлик тўғрисида меморандум имзолангани муносабатларнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаб, парламентлараро ҳамкорликни ташрифлар алмашинуви ва қўшма тадбирлар ўтказиш орқали қўллаб-қувватлашга янада кенг йўл очилган эди.

➡2

Янги рукн:

## «ЎЗБЕКИСТОН — ИНСОН САЛОМАТЛИГИ ҚАДРЛАНАДИГАН ЮРТ»

*Қўлимизга келиб тушган тиббий статистикага кўра, пойтахт аҳолисининг учдан бир қисми ортиқча вазн касаллигидан азият чекади. Ҳар ўнтадан олти киши ўзининг артериал қон босимини мутлақо билмайди. Яна шунча одам камҳаракат тарзда ҳаёт кечиради ва кунига ярим соат ҳам пиёда юрмайди. Тан олайлик, бу жиддий ташвиш уйғотадиган, оқибати яқин келажакда юрак-қон томир ва бошқа сурункали касалликларнинг ўсиши билан намоён бўладиган ҳолатдир.*

*Биз янги ҳаёт, янги келажак бунёд қилмоқдамиз. Ва жиддий, улуғвор марраларни забт этиш учун куч-ғайрат ҳар қачонгидан ҳам зарур. Ахир натижаларга эришиб, улардан шодланишдан аввал кўп иш қилиш керак бўлади. Ўз саломатлиги ҳақида қайғурадиган газетхонлар йилдан-йилга кўпайиб бораётганига ишончимиз боис, биз **“Ўзбекистон — инсон саломатлиги қадрланадиган юрт”** рукнини очишга қарор қилдик. Унда муаллифлик ва эксперт фикрлари, мутахассис маслаҳатлари, улуғ ёшдагиларнинг ҳаёт тажрибалари, турли лавҳалар бериб борилади. Буюк мутафаккирлар, ғояларига ҳамон дунё қулоқ тутадиган тиббиёт илми асосчиларининг авлодлари сифатида, қолаверса, давлатнинг шундай қўллаб-қувватлашини ҳис қилиб турган эканмиз, биз узоқ ва бахтли яшашга шунчаки мажбурмиз.*

2-саҳифага қаранг. ➡



# «ИМКОНИЯТЛАРНИ БИРЛАШТИРИБ, БИЗ ЮКСАК МАҚСАДЛАРГА ЭРИШАМИЗ»

1➡

***— Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Туркия Буюк миллат мажлиси билан ҳамкорлик бўйича парламентлараро гуруҳи ва Туркия Республикаси Буюк миллат мажлисининг “Туркия — Ўзбекистон” парламентлараро дўстлик гуруҳи тузилган. Уларнинг биринчи қўшма мажлисида амалий тадбирлар режаси (“Йўл харитаси”) имзоланганди. Режада кўзда тутилган чора-тадбирлар қандай олиб борилмоқда?***

— Юқорида айтиб ўтганимдек, давлатларимиз ўртасида ҳамкорликни ривожлантириш бўйича бир қанча ҳужжатлар имзоланган. Парламент, хусусан, Туркия Буюк миллат мажлиси вакиллари сифатида бизнинг муҳим вазифаларимиздан бири ана шу шартномаларнинг амалий ифодасини таъминлаш йўлида фаол иш олиб боришдир.

“Йўл харитаси” доирасида парламентларимиз ўртасидаги алоқалар тобора мустаҳкамланиб боряпти. Ўтган қисқа давр мобайнида икки давлат олий вакиллик органлари делегациялари бир неча мартадан ўзаро ташрифларни амалга оширдилар. Бизнинг Ўзбекистонга келишимиз ҳам “Йўл харитаси”дан ўрин олган муҳим тадбирлардан бири ҳисобланади.

Асосий мақсадимиз Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати билан Туркия Буюк миллат мажлиси ўртасида ўзаро мулоқотни янада жонлантириш, қонунчилик соҳасида билим ва тажриба алмашинувини кучайтиришдир. Бунда, албатта, Туркия Республикаси Буюк миллат мажлисидаги “Туркия — Ўзбекистон” дўстлик гуруҳи, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Туркия Республикаси Буюк миллат мажлиси билан ҳамкорлик бўйича парламентлараро гуруҳлари муҳим ўрин тутади.

Мазкур саъй-ҳаракатларнинг барчаси пировардида Ўзбекистон ва Туркия ўртасидаги дўстлик кўпригининг мустаҳкамланишига хизмат қилади.

Ўрни келганда бир нарсани айтиб ўтишни истардим. Келгуси ойда, аниқроғи, 8 — 11 октябрь кунлари Туркияда Евросиё парламентлари раҳбарларининг мажлиси бўлиб ўтади. Унда 35 парламент раҳбари, элчилар, нуфузли меҳмонлар қатнашиши кутиляпти. Хусусан, Ўзбекистон парламенти вакиллари ҳам иштирок этади. У йирик анжуман бўлиб, минтақавий ва миллатлараро масалалар муҳокама қилинади. Ана шу мажлисда Ўзбекистоннинг қатнашишини биз жуда муҳим, деб ҳисоблаймиз.

***— Ўзбекистон ҳамда Туркия ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатларнинг бугунги ҳолати ва истиқболлари ҳақида нималар дея оласиз?***

— Давлатларимиз ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми айни пайтда 2 миллиард долларга ҳам етмайди. Агар бугунги кунда Туркияда 81 миллион, Ўзбекистонда қарийб 33 миллион, қўшиб ҳисоблаганда 114 миллион аҳоли истиқомат қилишини инобатга олсак, бундай катта нуфус, салоҳият учун ҳозирги натижа, албатта, жуда кам.

Тўғри, кўрсаткичларимиз ўтган йилдан эътиборан орта бошлади. Масалан, 2017 йилда ўзаро савдо 20 фоиз ўсган бўлса, бу йил 30 фоизга кўпайиши кутиляпти. Биз кўзлаган марралар эса анча юксак. Жумладан, яқин йилларда ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини 2 миллиард, ўрта ва узоқ истиқболда 5 миллиард, ҳатто 10 миллиард долларгача етказиш ниятидамиз. Бунинг учун имкониятларимиз етарли. Чунки Туркияда ҳам, Ўзбекистонда ҳам кучли ривожланган тармоқлар, йўналишлар мавжуд. Муҳими — ана шу имкониятларни бирлаштира билиш. Шунда юқори натижаларни ҳам қўлга киритамиз, давлатларимиз ўртасидаги дўстлик муносабатларини ҳам мустаҳкамлаган бўламиз.

***— Ўзбекистон халқига тилакларингиз.***

— Бу замин ўзбек халқи ва бизнинг ота юртимиздир. Дунё илм-фани, маданияти, муқаддас динимиз ривожига катта ҳисса қўшган буюк алломаларни етиштириб берган давлат ҳисобланади. Туркияда ҳар бир мусулмон ҳадис илмининг султони Имом Бухорийни, Имом Мотуридийни, буюк олим Али Қушчини, улуғ шоир Алишер Навоийни, мутафаккир Юсуф Хос Ҳожибни, тиб илмининг султони Ибн Синони яхши билади. Улар биз учун ҳам қадрлидир. Қардошлигимиз, дўстлигимиз айни жиҳатлар билан ҳам боғлиқ. Шу боис аждодлар меросини чуқур ўрганиш, барчага таништириш, тарғиб қилиш, шу орқали маданият туризмини равнақ топтириш учун биргаликда кўп ишлар қилишимиз лозим. Бунда халқларимиз ўртасида борди-келдилар кучайиши, икки томонлама инвестициялар киритиш янада ортиши зарур. Биз бунга тайёрмиз. Гарчи географик жиҳатдан бошқа-бошқа ерларда жойлашган бўлсак-да, кўнгилларимиз бир, бахту қувончимиз бир.

Сўзимнинг сўнгида Туркия халқининг Ўзбекистон халқига саломи ва эзгу ниятларини етказишдан мамнун эканлигимни билдириб, яшасин ўзбек — турк дўстлиги, деб қоламан.

***— Самимий суҳбатингиз учун раҳмат!***

**«Халқ сўзи» мухбирлари Шавкат ОРТИҚОВ, Омонулла ФАЙЗИЕВ суҳбатлашди.**

# ГУЛЛАЁТГАН АДИБЛАР ХИЁБОНИ

## Ўзбекистонда сўз усталарини қандай қадрлашлари хусусида.

1➡

Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган халқаро конференция бунинг яна бир тасдиғидир.

Конференция иштирокчилари Алишер Навоий ҳайкали пойига гуллар қўйишди, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини бориб кўришди.

Таъкидлаш жоизки, мазкур университет ҳам ўзининг замонавий дизайни ҳамда салобатли янги хоналари билан бизни ҳайратда қолдирди. Бу, ўз навбатида, филология фанларини ўқитишга ҳам жиддий ёндашув бўлаётганидан далолат беради.

Конференциянинг умумий йиғилишини Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Сирожиддин Саййид олиб борди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. М. Мирзиёевнинг конференция иштирокчиларига йўллаган табригини Ўзбекистон Олий Мажлиси Сенатининг Раиси Н. Т. Йўлдошев ўқиб эшиттирди.

ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Дендер Бадарч, Ўзбекистон Фанлар академияси президенти Беҳзод Йўлдошев, Озарбайжон Ёзувчилар уюшмаси раиси Анор, Қозоғистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Улуғбек Есдавлат, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ректори Шуҳрат Сирожиддинов ва бошқалар табрик сўзларини айтдилар.

Ундан кейин конференция иши шуъбаларга бўлинган ҳолда давом этди. Уларда ўзбек адабиётини ўрганиш ва тарғиб қилиш масалалари, ўзбек адабиётини хорижий тилларга таржима қилиш муаммолари, халқаро адабий алоқаларни кенгайтириш бўйича долзарб таклифлар муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари Минҳожиддин Мирзо раислик қилган ижодий музокаралар шуъбасидаги муҳокамалар эркин услубда олиб борилди.

Унда москвалик меҳмонлар йиғилганларни ўз нашрлари билан таништирдилар.

Жумладан, “Иностранная литература” газетаси бош муҳаррири Александр Ливергант, “Роман-газета” бош муҳаррири Юрий Козлов, “Литературная газета” бош муҳаррир ўринбосари Анастасия Ермакова, “Литературная газета” грант дастурлари директори Алексей Шавлов Россияда адабий-маданий йўналишдаги нашрлар олдида турган бугунги муаммо ва вазифалар ҳақида сўзладилар.

Озарбайжон Ёзувчилар уюшмаси раиси Анор икки мамлакат — Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасидаги мустаҳкам маънавий алоқалар ҳақида гапириб, “сиёсатчилар чегараларни қуриши, ёзувчилар эса уларни бузиб, халқларни бирлаштириши”ни таъкидлаб ўтди.

Тожикистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Низом Қосим унинг гапларини маъқуллаб, Тожикистон ва Ўзбекистон ўртасидаги адабий алоқалар тарихи минг йилларни ташкил этишини таъкидлади. Бугунги кунда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида тожик тилида ижод қилувчи адиблар шуъбаси фаолият олиб бормоқда.

Қозоғистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Улуғбек Есдавлат икки халқ ўртасидаги азалий ижодий алоқалар тўғрисида тўхталиб, энг асосийси, “тил мавжуд бўлса — миллат бор”лигини эсда тутиш лозимлигини айтди.

Шубҳасиз, “Звезда Востока” журнали бош муҳаррири ўринбосари Клавдия Панченконинг чиқиши ҳам иштирокчилар учун муҳим маърузалардан бири бўлди.

Шунингдек, шуъба ишида Ўзбекистон халқ ёзувчиси, “Тафаккур” журнали бош муҳаррири Эркин Аъзам, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси бош муҳаррири Ўктам Мирзаёр, Ўзбекистон халқ шоири Усмон Азим, таржимон Бегойим Холбекова, ёзувчи Хуршид Дўстмуҳаммад ва бошқалар ҳам бугунги адабий жараён ҳақида ўз фикрларини билдириб ўтди.

Кейинги куни иштирокчиларнинг асосий қисми Самарқанд шаҳрининг диққатга сазовор жойларини кўриш учун саёҳатга йўл олди.

Анжуман доирасида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамда “Литературная газета” газетаси вакиллари ўртасида бугунги адабий жараёнлар ҳақида қизғин давра суҳбати ўтказилди.

**«Литературная газета».**
2018 йил, 19 — 25 сентябрь.

Ўзбекистон — Туркия:

# ПАРЛАМЕНТЛАР АМАЛИЙ ВА ДЎСТОНА АЛОҚАЛАР ТАРАФДОРИ

1➡

Учрашувлар давомида билдирилган фикрларга кўра, мамлакатлар ўртасида парламентаризм соҳасидаги ҳамкорлик, айниқса, жонли ва самарали кечмоқда. Ўтган қисқа давр мобайнида ҳар икки давлат парламент делегациялари бир неча мартадан ўзаро ташрифларни амалга оширди. Буюк миллат мажлисида “Туркия — Ўзбекистон” дўстлик гуруҳи, Олий Мажлиснинг Буюк миллат мажлиси билан ҳамкорлик бўйича парламентлараро гуруҳлари яқин ҳамкорликда ишлаяпти.

Туркия парламенти делегациясининг мазкур ташрифи доирасида парламентлараро дўстлик гуруҳларининг илк қўшма мажлиси ўтказилди. Музокара якунида ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш бўйича 2018 йилга мўлжалланган амалий тадбирлар режаси — “Йўл харитаси” имзоланди. Олий Мажлис ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти билан Туркия Буюк миллат мажлиси Тадқиқот маркази ўртасида алоқалар ўрнатилди. Томонлар Олий Мажлис Сенати ва Буюк миллат мажлиси шафелигида Ўзбекистон ва Туркия ҳудудлари форумларини ташкил этиш тўғрисида ўзаро фикр алмашдилар.

Икки мамлакат олий вакиллик органлари ўртасида ўзаро мулоқотни жонлантириш, қонунчилик соҳасида тажриба алмашиш, парламентлараро ҳамкорлик алоқаларини юқори босқичга олиб чиқиш борасида таклифлар ўртага ташланди.

Учрашувлар якунлари бўйича томонлар йўлга қўйилган парламентлараро ҳамкорликни янада чуқурлаштириш бўйича биргаликда амалга оширилаётган ишларни давом эттиришга келишиб олдилар.

**Мунисхон КАРИМОВА, «Халқ сўзи» мухбири.**

Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади

# ИЛМ-ФАН ИҚТИСОДИЁТ РЕАЛ СЕКТОРИГА НАФ БЕРЯПТИМИ?

*Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, ўтган вақт мобайнида иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга оширишнинг мақсадли дастурларини жорий этиш, тармоқларни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш ҳамда диверсификациялаш, шунингдек, ҳудудларни комплекс ривожлантириш истиқболларидан келиб чиқиб, иқтисодиёт тармоқларига илмий изланишларни йўналтириш, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлашга қаратилган муайян ишлар амалга оширилган.*



Соҳанинг норматив-ҳуқуқий асосларини яратиш борасида тегишли ҳужжатлар қабул қилинган. Инновацион ривожланиш вазирлиги, унинг қошида Инновацион ривожланиш ва новаторлик ғояларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ташкил этилган. Фанлар академияси фаолияти танқидий ўрганилган ва уни бугунги замон талаблари асосида тамоман ўзгартириш чора-тадбирлари кўрилган. Илмий-тадқиқот институтлари, банклар ҳамда инвесторлар учун биргаликда ишлашнинг ҳуқуқий асослари яратилган. Қонун ҳужжатларида интеллектуал мулк объектлари муаллифлари ва бизнес сектори вакилларини рағбатлантиришга қаратилган қатор енгилликлар ҳамда солиқ имтиёзлари бериш назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасида Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳамда Фанлар академиясининг илм-фаннинг иқтисодиёт реал секторига йўналтирилгани ва интеграциясини таъминлашнинг долзарб вазифалари юзасидан эшитилган ахборотларида ушбу масалалар бўйича қизғин фикр алмашилди.

Қайд этилганидек, инновациявий ғоялар, технологиялар ва лойиҳаларни ҳаётга татбиқ қилиш борасида кенг кўламли саъй-ҳаракатлар рўёбга чиқарилган. Хусусан, 17 та илмий-тадқиқот институтининг тижоратлаштириш мумкин бўлган ишланмалари намойиши ташкиллаштирилган. Айни пайтда 43 та ишланмани тижоратлаштириш бўйича амалий ишлар олиб борилмоқда.

Тижоратлаштириш ишларини самарали бошлаш учун Фанлар академиясининг энг илғор 10 та илмий-тадқиқот институти 3 та етакчи банкка бириктирилган. Умумий қиймати 80,3 миллиард сўм бўлган жами 16 та ишланма банклар томонидан танлаб олинган. Лойиҳаларни тижоратлаштиришдан олинадиган йиллик даромад жами 123 миллиард сўм бўлиб, илмий-тадқиқот институтларига йилига 25 миллиард сўм соф даромад тушириб берилиши режалаштирилган. Қатор истиқболли ишланмаларнинг бозори банклар билан ўрганиб чиқилиши йўлга қўйилган. Жумладан, 14 та илмий-тадқиқот муассасаси базасида яратилган бўлажак сармоядорлар учун илмий ишланмалардан 33 та энг истиқболлилари аниқланган.

Ҳудудларда инновацион фаолликни ошириш, уларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига мос илмий ишланмалар яратишни йўлга қўйиш мақсадида давлат-хусусий шериклик шартлари асосида ҳудудий инновацион марказлар ташкил этиш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратиляпти. Ҳозирги вақтда Қашқадарё, Навоий ва Сурхондарё вилоятларида шундай марказларни қуриш ишлари олиб борилмоқда.

Тадбирда муҳокама этилган масалалар борасида ечимини кутаётган ҳуқуқий, ташкилий, молиявий, илмий-техникавий йўналишдаги муҳим вазифалар ҳам мавжудлиги алоҳида таъкидланди. Жумладан, депутатлар фикрича, “Инновацион фаолият тўғрисида”ги қонун лойиҳасини якунига етказиш зарур. Юқори малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар аттестацияси тизимини тубдан такомиллаштириш, илмий ишлар натижаларини аниқ мақсадларга йўналтириш, уларнинг ишлаб чиқаришга жорий этилишини таъминлаш хизматини ташкил этиш, ишланмаларни тижоратлаштириш ягона марказини тузишнинг ҳуқуқий асосларини қабул қилиш долзарб бўлиб қолмоқда.

Таъкидланганидек, ҳудудларда инновацион фаолликни ошириш, уларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига мос илмий ишланмалар яратишни йўлга қўйишда совуққонлик билан қараш ҳолатлари учрайди. Масалан, Фарғона, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳрида марказ қурилиши учун инвесторларга ер ажратиш ҳамда инновацион марказлар барпо этиш бўйича маҳаллий ҳокимликлар томонидан аниқ амалий чоралар кўрилмаган.

Йиғилишда мутасадди раҳбарларнинг ахборотлари атрофлича муҳокама этилди. Якунда қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

**Зиёда АШУРОВА.**

Ўзбекистон — инсон саломатлиги қадрланадиган юрт

# СОҒЛОМ ЯШАБ, ЮЗДАН ОШАЙЛИК

*Ҳар бир инсон кексайиб қолганида ҳам узоқ яшаш, соғлом ва бардам бўлиш ҳақида ўйлайди. Бунинг иложи борми?*

*Расмий маълумотларга қараганда, мамлакатимизда юз ёшлик довондан ўтганлар сони саккиз минг нафардан ортади. Унчалик ҳам фаровон деб бўлмайдиган — фуқаролар ва Иккинчи жаҳон уруши, очлик, қаҳратонлар, вайронагарчиликлар даврида умргузаронлик қилган бу инсонларнинг узоқ умр кўриш сири нимада?*

*Бундай нуронийлар билан суҳбатлардан аён бўлишича, улар меҳнат фаолияти туфайли шундай улуғ ёшларга киришга муваффақ бўлганлар. Уларнинг ҳаёти доимий жисмоний ҳаракат билан тўлган. Бундай одамлар ҳамиша ҳаракатда бўлганлар, бу эса тиббиёт вакилларининг айтишича, организмни мустаҳкамлайди ва чиниқтиради, иммунитетни оширади.*

— Ҳозирги кунда ҳаётимизнинг мазмунини ташкил этувчи асосий нарса — спорт. Табиийки, у билан шуғулланган ҳар ким ҳам чемпион бўлиб кетавермайди, аммо барча бош соврин — саломатлик, унга боғлиқ равишда кўтаринкилик, бардамлик ва фаровонлик, узоқ умрни қўлга киритади, — дейди Андижон олимпия захиралари махсус мактаб-интернатининг волейбол бўйича мураббийи Фарида Харутдинова. — Қўшимчасига, спорт бизни жисмонан чиниқтиради, ирода ва чидамлилик, жамоавий спорт турларида эса дўстлик ҳамда масъулият сингари кўплаб инсоний хислатларни тарбиялайди. Аммо турли гаджетлар, компьютерлар, автомат ўйинларнинг пайдо бўлиши билан ёш авлод орасида жисмоний фаолликнинг ўта паст даражаси кузатилмоқда. Масалан, ўспиринлар, айниқса, шаҳарлик болалар тўпни ҳақиқий футбол майдонида эмас, балки компьютер мониторида тепишга, чиройли бурилиш ҳаракатларини пойга мотоциклида ёки картингда эмас, компьютер ўйинчоқларида бажаришга ўргандилар. Жисмоний ривожланишнинг йўқлиги оқибатида 20 — 25 ёшга бориб бундай виртуал спортчиларда касалликларнинг бутун бошли “гулдастаси” юзага чиқади, руҳият бузилади.

Болалар ва ўсмирлар соғлиқни ёшликдан асраш нақадар муҳим эканини доим ҳам билмаслиги мумкин, аммо ёши улуғ одамларнинг ҳам ўз саломатлигига беписанд муносабатини тушуниш қийин. Кўп овқатланиш, чекиш, спиртли ичимликларга берилиш, камҳаракат ҳаёт тарзи, асаббузарлик ҳолатлари — мана шулар инсульт ҳамда инфаркт, қандли диабет, онкологик ва бошқа ёмон хасталиклар сабабчиси. Бундай ҳолатда ҳатто энг замонавий тиббий шароитлар яратиб берилса-да, узоқ яшаш ва соғлиқ ҳақида орзу қилиш ҳам бефойда.

Яратган бизга ато этган умрни узайтириш, соғлиғимизни асраш ҳақида биз кўпинча дард тутганда ва шифокорга бориш, дори ҳамда даволаниш учун оиламиз бюджетидан пул сарфлашга тўғри келган пайтдагина ўйлаймиз. Афсуски, бу харажатларни ҳисоб-китоб қилиб кўриб, нега айнан мен бемор бўлиб қолдим, дея ўзига савол берадиганлар кўп эмас. Ахир ҳаммаси оддий. Касал бўлиш — ўз саломатлигимизга бепарво муносабатда бўлганимиз учун тўланадиган товон.

Соғлиғи ҳақида қайғурадиган, узоқ ва бахтли ҳаёт кечиришни истайдиган инсон бу мақсадга албатта эришади. 110 ёшни кўрган бухоролик юртдошимиз Мустафо Бухомиддин ҳаётида илк марта ҳайдовчиликка тиббий комиссиядан ўтиш учун 1983 йилда — 105 ёшида шифохонага келган экан. Ўша вақтлардаги газеталарда ёзилишича, бу инсоннинг саломатлик ва узоқ умр кўриш сири жуда осон. Мустафо ёшлигидан жисмоний меҳнатда улғайган, кўп пиёда юриб, транспортдан камдан-кам фойдаланган, чекмаган, тўғри овқатланган.

Бутун умри спорт ва педагоглик фаолияти билан чамбарчас боғлиқ бўлган қорақалпоғистонлик 82 ёшли Юрий Кулаковнинг ҳаётини ҳам замондошларимиз учун намуна қилиб кўрсатиш мумкин. Юрий Иванович дардга чалинган пайтлари асло таслим бўлмаслик ҳақида ўзига сўз берган экан. Оёғидаги оғриқни енгиб, у Қорақалпоқ давлат университетидаги иш жойига қатнашдан тўхтамаган. Бу даргоҳда у жўшқин жараёнлар, талабалар билан мунозара ва мулоқотлар, шогирдларнинг муваффақиятлари туфайли ҳис этиладиган ёрқин кечинмалар қуршовида бўлган. Ўз суюкли жамоангнинг рақиб устидан ғалабаси нашидасига ҳеч қандай қайноқ ҳислар тенглашолмайди. У инсонга ҳаётий куч ва қувват бахш этади. Ана шуларнинг барчаси дардни енгиб ўтишга ёрдам берган. Энди эса, газетамизнинг минтақадаги мухбирининг айтишича, мазкур олий ўқув юртининг бирорта спорт тадбири ҳам, республика миқёсидаги мусобақалар ҳам Кулаков иштирокисиз ўтмайди.



Бундан 12 йил аввал Кулаковнинг 70 йиллик таваллудига бағишлаб чиқарилган “Ҳаёт — бу синов” китобида қуйидаги сўзлар бор: “...унинг ҳаёт тарзи — ёшлар ҳали узоқ вақт ўрганадиган катта бир санъатдир”. Бу фикрга қўшилмасликнинг иложи йўқ.

2017 йилда Иқтисодий тадқиқотлар маркази мутахассислари томонидан ўтказилган мониторинг натижалари шуни кўрсатдики, пойтахтда яшовчи аҳолининг деярли кўпчилигида овқатланиш рациони бир меъёрда эмас. Оқибатда уларнинг учдан бир қисми ортиқча вазндан азият чекяпти. Тошкентликларнинг 60 фоизидан зиёди камҳаракат ҳаёт тарзида яшайди ва кўпи билан кунига 20 — 30 дақиқа пиёда юради. Бутун дунёда илм-фан ва техниканинг шиддатли ривожи билан гиподинамия, камҳаракатлилик, скелет мушаклари ва юракка тушаётган юкнинг пасайиши оммавий кўриниш олди.

Илгарилари иқтисодиётнинг турли соҳаларида жисмоний меҳнат 90 фоиздан зиёдни ташкил этган бўлса, XXI асрга келиб ушбу кўрсаткич кўплаб давлатларда деярли бир фоизгача қисқариб кетди. Биз иш жойида бўлиб туриб, фақатгина клавиш ва тугмачаларни босиш билан кифояланамиз, қолганини роботлар ва механизмларнинг ўзи қиляпти, керакли манзилга автомобилда етиб оляпмиз, уйга келиб, қулай ўриндиққа жойлашиб оламиз. Замонавий одам ҳатто идиш-товоқни ҳам ўзи ювмаяпти. Унинг учун бу ишни идиш ювувчи машина бажармоқда. Хуллас, умуман жисмоний машғулотларсиз турмуш тарзи. Ахир ҳаёт, бу — ҳаракат эмасми?! Усиз эса инсон организми эрта қариши ҳам айни ҳақиқатдир.

Бироқ мазкур муаммони соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиб тўлиқ ҳал этиш мумкин. Саломатлик ва узоқ умр кўришнинг асосий талаби қуйидаги уч омилга риоя қилиш ҳисобланади. Буни буюк аллома Ибн Сино ҳам ўз асарларида эслатиб ўтган: жисмоний машғулотлар билан шуғулланиш, овқат ва уйқуни меъёрда ушлашдир.

Ҳанузгача ўз аҳамиятини йўқотмаган мазкур қоидаларга асосланган ҳолда жаҳоннинг турли мамлакатларида фуқаролар соғлиғини сақлаш ва мустаҳкамлашга йўналтирилган давлат дастурлари амалга оширилмоқда. Масалан, АҚШда бир вақтнинг ўзида тўғри овқатланиш, аҳолини жисмоний маданият ва спорт билан ошно қилишга қаратилган қатор дастурлар ҳаётга татбиқ этиб келинмоқда. АҚШ Миллий саломатлик институти ҳисоб-китобларига кўра, профилактик соғломлаштириш тадбирларига ажратилган бир доллар лаборатория текширувларига кетадиган саккиз доллар, касалликни даволаш учун сарфланадиган 320 долларни тежаб қолар экан. Данияда шуларни инобатга олиб велоспортни ривожлантиришга катта сармоя қилинган, Германияда соғлом овқатланиш ва фаол ҳаёт тарзи тамойилларини илгари суриш бўйича “Бардам бўл!” лойиҳасини амалга оширишга киришилди.

Мамлакатимизда ҳам бу йўналишга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистонда жисмоний маданият ва спортни ривожлантириш устувор вазифа сифатида белгилаб берилди. Президент Шавкат Мирзиёев яқинда жисмоний тарбия ва спорт соҳасини ривожлантириш масалаларига бағишлаб ўтказган йиғилишида мутахассисларга мамлакатимизда спортни оммалаштириш юзасидан беш йиллик миллий концепция ишлаб чиқиш бўйича топшириқ берди. Аҳолини жисмоний тарбия билан мунтазам шуғулланиб, соғлом ҳаёт кечиришга жалб этиш, шу орқали касалликларнинг олдини олиб, одамларнинг умрини узайтириш концепциянинг асосий йўналиши ва натижаси бўлиши кераклиги таъкидлаб ўтилди.

Тарихдан узоқ умр кўриш бўйича кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Уларнинг айримларини айтиб ўтамиз. Жумладан, шотландиялик балиқчи Генри Женкинс (1501 — 1670) 169 йил, туркиялик аёл Фотима Хоним 164 йил, венгриялик Янош Ровен 172 йил умр кўрган. Бутун умр жисмоний тарбия билан шуғулланган грузиялик Егор Короев 157 йил, озарбайжонлик қишлоқ хўжалиги ишчиси Маҳмуд Эйвазов 152 йил яшаган. Унинг меҳнат фаолияти 130 йилдан ошиб кетган. Англиялик Фома Карне эса черков китобларидаги қайдларга кўра, 207 йил ҳаёт кечириб, 12 қиролдан кўра кўпроқ умр кўрган. Афсоналарга кўра, хитойлик файласуф Лао Цзи 200 йил яшаган экан.

Демак, ҳар бир инсон ўз ҳаётини асрга тенглаштириш, бақувват бўлиб, ҳаётдан завқланиб яшаш қувватига эга. Хуллас, ҳар кимда танлаш имконияти бор: спорт билан шуғулланиш ёки ҳар куни жуда бўлмаганда ярим соат жисмоний машқларни бажариш ва фаол бўлиш, турли касалликларга нисбатан иммунитет ҳосил қилиб, узоқ умр кўриш. Бизга берилган ана шу бебаҳо имкониятдан ихтиёрий равишда юз ўгириш фойдалими ёки йўқ, буёғини ўзингиз ҳал этинг ва хулоса чиқаринг.

**Санжар УСМОНОВ.**

